

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА	
Роман жанрининг культурологик қиёфаси	63
С.ҚУРОНОВ	
Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси.....	66
Ф.ДАДАБАЕВА	
Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси.....	69
М.ЖУРАЕВА	
Кундош образининг замонавий талқини.....	72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ	
Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар	76
Д.ТУРДАЛИЕВА	
Лисоний имконият ва бадий санъат	79
Н.АБДУЛЛАЕВА	
Синтактик градуонимия.....	84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ	
Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни	87
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти.....	92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА	
Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш.....	95
Л.РАХИМОВА	
Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари	99
М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ	
Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири	101
А.ЭРМАТОВ	
Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	103
Л.БЕГИМҚУЛОВА	
Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар.....	106
М. УСМАНОВА	
Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши	108
Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА	
Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари	111
Н.ТОШЕВА	
Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида.....	113
Г.РОЗИҚОВА	
Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида.....	116
З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРҲУЖАЕВА	
Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир.....	118
Ш.АСКАРОВА	
Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари.....	120
М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ	
Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти.....	123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр.....	126
-------------------------------	-----

УДК: 415.63

ҚЎШМА ГАПЛАР СЕМАНТИКАСИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

А.Мамажонов, Д.Тешабоев

Аннотация

Мақолада ўзбек тилшунослигидаги қўшма гаплар, уларнинг семантикасига доир фикрлар, қўшма гап қисмлари ва уларнинг боғланиши, эргаш гапли қўшма гап қисмлари ўртасидаги мазмуний муносабатлар тўғрисида сўз юритилади.

Аннотация

В статье приводятся рассуждения о сложных предложениях в узбекской лингвистике, их семантике и идеях о части сложных предложений и их связи, смысловое отношение между придаточными частями сложных предложений.

Annotation

This article is said about complex sentences in Uzbek linguistics, their semantics and ideas, parts of complex sentences and their linkage, semantic relations between parts of compound sentences.

Таянч сўз ва иборалар: семантик муносабат, содда гап ва қўшма гаплар семантикаси, боғланган, боғловчисиз ва эргашган қўшма гаплар, воқеалар ўртасидаги муносабат

Ключевые слова и выражения: семантическое отношение, семантика простых и сложных предложений, сложные конструкции с сочинительной и бессоюзной связью, связь между событиями, структура синтаксического предложения.

Keywords and expressions: semantic relation, semantics of simple and complex sentences, related compound and complex sentences, connection between events, structure of syntactic sentences.

Анъанавий тилшунослик мураккаб синтактик бирлик ҳисобланган қўшма гапларни шаклан таҳлил этишда катта ютуқларга эришди. Бу борада ўзбек тилида қўшма гаплар тадқиқига бағишланган бир қатор илмий ишларда [1,4,2,19,22] қўшма гапларнинг шаклий белгилари кенг таҳлил этилди. Шунингдек, қўшма гаплар семантикаси эса илмий таҳлилдан биров четда қолган, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилмай қолган.

Гапнинг семантик таҳлилига бағишланган дастлабки маълумотларни рус тилшунослигида Н.Д.Арутюнова, Т.Б.Алисова, В.В.Богданов, В.Г.Гак, Г.А.Золотоваларнинг [6,3,11,12,13] тадқиқот ишларида учратиш мумкин.

Н.М.Маҳмудовнинг содда гаплар семантикасига бағишланган докторлик диссертацияси ўзбек тилшунослигида гап семантикасига бағишланган дастлабки ишлардан бири ҳисобланади [16.7-9]. Бироқ гапларни семантик жиҳатдан таҳлил қилиш борасида ўзбек тилшунослигида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Қўшма гап семантикасини ўрганиш ана шундай долзарб масалалардан биридир. Қўшма гап семантикасига доир илмий тадқиқот ишлари рус тилшунослигида анча олдин пайдо бўлган, бироқ бу ишлар турли йўналишда бўлиб, қўшма гап семантикасини тўлиғича қамраб олмайди.

Хусусан, Е.В.Падучева аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг семантикасини ўрганишга бағишланган тадқиқот ишида синтактик бирлик бўлган гапнинг ички ва ташқи

структурасини таҳлил қилган [18].

Н.Н.Ильинанинг тадқиқот ишида қўшма гап қисмларининг ўзаро семантик муносабати асосида ички ва ташқи сатҳлар зидланиши баён этилган. Н.Н.Ильина мантикий маъно муносабатини ички сатҳ, қўшма гапларнинг синтактик тузилиши ва компонентлар ўртасидаги муносабатни эса ташқи сатҳ, деб тушунтиради [14].

Т.А.Колосованинг иши ҳам қўшма гапларда семантик-синтактик асимметрия тадқиқига бағишланган [15].

Бу ўринда рус тилидаги боғловчисиз қўшма гапларнинг ҳам структураси, ҳам семантикаси талқинига бағишланган Е.Н.Ширяевнинг ишини ҳам айтиб ўтиш мумкин [20].

Қўшма гапларни семантик жиҳатдан ўрганмай туриб, улар ҳақидаги назарий қоидаларни батафсил деб бўлмайди.

Мазмун сиғимининг катталиги, мазмуний-синтактик тузилишининг ўзига хослиги, мураккаблиги билан содда гаплардан фарқланувчи қўшма гап тил синтактик сатҳининг олий бирлигидир. Ўзбек тилшунослигида қўшма гап ва унинг табиати масаласи бир неча ўн йиллардан бери, асосан, бир жиҳатдан тадқиқ этилган. Мавжуд тадқиқотлар “шаклдан мазмунга” тарзида бўлиб, асосий диққат-эътибор тўғридан - тўғри шаклга қаратилган, мазмун эса эътибордан четда қолдирилган.

Анъанавий тилшуносликда яратилган шаклий синтаксисга оид қўшма гап ва унинг таркибий хусусиятларига бағишланган тадқиқотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Мазкур ишлардаги илмий

А.Мамажонов – ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор.
Д.Тешабоев – ФарДУ таянч докторанти.

ТИЛШУНОСЛИК

асосланган ғоялар бугунги тилшунослиқда қўшма гап табиати ва унинг мазмуний-таркибий хусусиятларига доир янгича қарашларнинг пайдо бўлиши учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Ўзбек тилида, умуман, туркийшунослиқда қўшма гап назарияларини ўрганишнинг дастлабки босқичи, асосан, рус тилшунослигида шаклланган қўшма гап назариялари қолипида яратилган. Нафақат қўшма гап, балки тилдаги жуда кўпгаб ҳодисалар ҳам рус тилшунослигидан андаза олиш бир қадар анъанага айланган [17.16-20].

Жаҳон тилшунослиги тарихида ҳам, хусусан, қадимги лотин лингвистикасининг юнон тилшунослигидан нусха олиш асосида шаклланганлиги маълум. Бундай усул тил ҳодисаларининг ўзига хос хусусиятларини тўғри ва холис тушунишга имкон бермайди. Назаримизда, бошқа фанлар каби лингвистика фани ҳам андаза олиш усули ёрдамида бошқа тилшуносликлар эришган ютуқлардан ижодий фойдаланиши керак. Ижодий фойдаланиш билан айнан андаза олиш бир-биридан кескин фарқланувчи бошқа нарсалардир. Айнан нусха кўчириш йўли билан ўзбек тилининг соф хусусиятлари очилмай қолади, шунингдек, ўзбек тилида мавжуд бўлмаган ҳодисалар ўзбек тилига кириб қолиши мумкин.

Бошқа тилшуносликларда бўлгани каби ўзбек тилшунослигида ҳам эргаш гапли қўшма гаплар ҳақидаги мунозаралар кўпдан бери давом этиб келмоқда.

Эргаш гапли қўшма гаплар қисмлари ўртасидаги мазмуний муносабатлар табиатига, уларни юзага чиқарувчи мантиқий ва синтактик қурилмаларнинг мураккаблиги билан қўшма гапнинг бошқа турларидан фарқланади.

Ўзбек тилшунослигидаги эргаш гапли қўшма гаплар тадқиқини ўрганишда Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, А.Бердиалиевларнинг илмий қарашлари алоҳида диққатга сазовордир [1,4,8]. Ўзбек тилидаги эргаш гапларнинг, асосан, шакл жиҳатдан ўрганилганлиги Ғ.Абдурахмонов ва М.Асқаровларнинг тадқиқот ишларида кузатилади. Масалан, М.Асқаровнинг докторлик диссертацияси “Ҳозирги ўзбек тилида эргашуш усуллари ва эргаш гап типлари” деб номланган бўлиб, ишнинг биринчи боби эргашуш усуллари ва шаклларини тадқиқ этишга бағишланган [5.16-71], кейинги уч бобда ҳам эргашган қўшма гап қисмларининг боғланишида иштирок этувчи лисоний воситаларнинг таҳлили, қўшма гап қисмларининг жойлашуви эргаш гапларнинг мазмуний-синтактик гуруҳларига қараганда асосий ўринда туради.

Ғ.Абдурахмонов тадқиқотларида ҳам қўшма гапларга шакл жиҳатдан ёндашилганлик ҳолатларини кўришимиз мумкин. Бу билан мазкур тадқиқотларнинг ўзбек тилшунослигидаги қимматини камситмоқчи эмасмиз. Аксинча, бу тадқиқотларсиз ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди.

Қўшма гап ҳам ифода ва мазмун томонга эга бўлган икки ёқлама бирликдир. Узоқ даврлар мобайнида қўшма гапнинг асосан ифода томонига эътибор қаратилган, мазмун томони эса кейинги планда қисман ўрганилган.

Кейинги йилларда тилшунослиқда гапнинг мазмун томонига, яъни семантик жиҳатига эътибор кучайди. Бунинг натижасида эса тилшунослиқда мазмуний (семантик) синтаксис деган йўналиш юзага келди. А.Бердиалиевнинг тадқиқотлари мазкур йўналишдаги дастлабки ишлардан биридир.

Олимнинг докторлик диссертациясида эргаш гапли қўшма гаплардаги парадигматик ва синтагматик хусусиятлар, эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний-сигнификатив хусусиятлари, улардаги синтактик омонимия, полисемия, кўп функционаллик каби бир қатор масалалар чуқур тадқиқ қилинган ва изоҳланган. Лекин ишнинг кириш қисмида тадқиқотдаги асосий метод мазмуний-таркибий эмас, балки таркибий-мазмуний бўлиб, тадқиқот “шаклдан мазмунга” қабилидаги таҳлилга асосланган [8,9]. Шунини айтиш керакки, таҳлил фақат “шаклдан мазмунга” қабилида олиб бориладиган бўлса, бевосита лисоний шаклларда ўз ифодасини топмайдиган, тилдаги турли воситаларнинг бир-бири билан муносабати асосида юзага келадиган, бевосита аниқланадиган маънолар тадқиқотчи эътиборидан четда қолиши мумкин. Шунинг учун бу ғоя билан бир қаторда “мазмундан шаклга” тадқиқи ҳам эргаш гапли қўшма гаплар талқини учун муҳим саналади.

Мазмуний таҳлил шакл ва мазмун диалектикасининг моҳиятига мувофиқ ҳар икки ғояга асосланиши зарур. “Мазмуний таҳлил гапнинг қандай англаниши, қандай интерпретация қилиниши ва унинг ташқи оламдаги ҳолатлар, жараёнлар, объектлар билан қандай алоқадорликка эга эканлигини тушунтириши керак” [7.177], бунда гапнинг ҳам мазмуни, ҳам шакли тўлиқ ҳисобга олинмоғи шарт.

С.А.Шувалованинг “Қўшма гапдаги мазмуний муносабатлар ва уларнинг ифодаланиш усуллари” номли монографияси рус тилидаги қўшма гапларни ўрганишда мазмуний синтаксис учун қимматли манбадир [21]. Мазкур монографияда, энг аввало, қўшма гапда ифодаланадиган мазмунларнинг

таснифи, қиёсий мазмун ва унинг ифодаланиш моделлари берилган.

Эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний-синтактик тадқиқида юқорида айтиб ўтилган “мазмундан шаклга” ва “шаклдан мазмунга” қабилдаги ғояларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Гапнинг мазмун жиҳатини белгилаш гапнинг синтактик структурасини аниқлашдан кўра мураккаб жараёндир. Чунки гапнинг синтактик қурилиши аниқ, кўриш мумкин бўлган ифода сатҳи бўлганлигидан гап қурилишини белгилаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

Гап мазмунини белгилашда гапнинг денотатив концепцияси кенг тарқалган. Бу ёндашувга кўра, гап маъносининг денотати ғайрилисий ситуациядан, муайян воқеадан иборат [16].

В.Г.Гакнинг таъкидлашича, сўздан фарқли равишда гап тўлиқ тил бирлигидир [12].

Бир қанча тилшунос олимлар томонидан элементар содда гапнинг ифода жиҳати “воқеа” сўзи билан номланган. Содда гап муайян воқеа ифодачиси, қўшма гап эса воқеалар ўртасидаги муносабатнинг ифодачисидир, яъни қўшма гапнинг мазмуни воқеалар ўртасидаги муносабатдан иборатдир [15].

Муайян бир воқеани ёки икки ва ундан ортиқ воқеалар ўртасидаги муносабатни ифодалашда содда ва қўшма гаплар бири-бирдан фарқланади.

Воқеалар ўртасидаги муносабатлар содда гапларда ҳам, қўшма гапларда ҳам

ифодаланиши мумкин, бироқ содда гапга нисбатан қўшма гапларда воқеалар ўртасидаги муносабат кенгроқ ва тўла ифодаланади.

Қўшма гапнинг асосий вазифаси воқеалар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни ифодалашдир. Буни қуйидаги қўшма гаплар мисолида кузатишимиз мумкин:

Жинойят қанчалик баланд бўлса, дор шунчалик баланд бўлади.

Жинойят баланд бўлса, дор ҳам баланд бўлади.

Жинойят баланд, шунинг учун дор ҳам баланд.

Юқоридаги қўшма гап қисмлари орасида айна бир воқеалар ифодаланган, лекин воқеалар ўртасидаги муносабатлар турлича, яъни улар *даража-миқдор*, *шарт*, *пайт*, *сабаб-натига* қабилар юзага чиққан.

Юқорида кўрсатилган муносабат содда гап ёрдамида ифодаланиши мумкин. Масалан: *Жинойят баланд бўлганлиги учун дор ҳам баланд бўлди.* Бу содда гапда икки воқеа ўртасидаги сабаб-натига муносабати акс этган.

Юқорида келтирилган илмий далиллар ва мисоллар юзасидан олиб борган кузатувларимиз ва таҳлиллардан шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, қўшма гаплар тилшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, улар кенг қамровда ўрганишни талаб этади. Бу эса ўзбек тили синтактик қурилишининг нақадар кенг имкониятга бой эканлигини яққол кўрсатиб беришда илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга моликдир.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси асослари – Т.: ЎзФА нашриёти, 1958.
2. Абдурахмонов Х. Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гаплар – Т., 1979.
3. Алисова Т.Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка. – М., 1971.
4. Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар – Т., 1960.
5. Асқарова М.А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. АДД. – Т., 1963.
6. Арутюнова Н.Д. Предложения и его смысл. – М., 1976.
7. Бирвиш А. Семантика. – В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. X. – М.: Прогресс, 1981.
8. Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика – Т.: Фан, 1989.
9. Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношения в конструкциях сложноподчиненного предложения узбекского литературного языка. АДД. – Т., 1989;
10. Бердиалиев А. Ўзбек тилида омоним модели эргаш гапли қўшма гаплар – Т.: Фан, 1990.
11. Богданов В.В. Семантико-синтаксическая организация предложения – Л., 1977.
12. Гак В.Г. Проблема лексикограмматической организации предложения – Д.Д. – М., 1967.
13. Золотова Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка – М., 1973.
14. Ильина Н.Н. Об одном способе классификации связей между частями сложного предложения. – В кн., Информационные вопросы семантики, лингвистики и автоматического перевода. – М., 1972, Вып. 2.
15. Колосова Т.А. Русские сложные предложения асимметричной структуры. – Воронеж, 1980.
16. Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
17. Маҳмудов Н.М. Қайта қуриш ва ўзбек морфологиясининг айрим масалалари. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – 1988 йил, 3-сон.
18. Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. Материалы о трансформационной грамматике русского языка, М., 1974, гл. V; Шу муаллиф. О порождении сложного предложения из простых. – В.кн.: Исследования по математической лингвистике, математической логике и информационным языкам. – М., 1972.
19. Равшанова С. Боғланган қўшма гаплар. – Т.: 1969.
20. Ширяев Е.Н. Бессоюзное сложное предложение в современном русском языке. – М., 1986.
21. Шувалова С.А. Смысловые отношения в сложном предложении и способы их выражения. – М.: Изд-во МГУ, 1990.
22. Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис – Т., 1961.